Сиз кутган учрашув

Дилноза ИСМИЯМИНОВА:

# «ОНАМНИНГ УШАЛГАН ОРЗУСИМАН...»



«Дўппи тиқдим, ипакларн тилладан.
Ипаклари деманг, зари тилладан...»

Юқоридаги сатрлар билан бошланувчи қўшиқ кўпчилик учун яхши таниш. Назаримда, хонишни миллий эстрадамизнинг ўлмас наволаридан десак, хато бўлмас. Ушбу қўшиқни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Клара Жалилова кейинчалик эса, эстрадамизнинг ёш ва умидли хонандаси Дилноза Исмияминова маромига етказиб куйлаганини яхши биласиз. Газетамизнинг бугунги меҳмони айнан Дилнозахон бўлиб, суҳбатимизни унинг санъатга кириб келиши ҳақидаги савол билан бошладим.

– Онам санъатга жуда қизиқувчи, меҳри баланд аёл. Бироқ, бу йўлни танлашга оилавий шарт-шароити имкон бермаган. Шунда, «Агар қиз фарзанд кўрсам, албатта, санъаткор қиламан», дея ният қилганлар.

Биз оилада тўрт фарзандмиз. Шулар ичида фақат мен онам учун армон бўлиб қолган касбни танладим. Бундан жуда бахтиёрман. Айтиш мумкинки, мен онамнинг ушалган орзусиман.

Санъатга эрта қадам қўйганман. Ёш болалар, кейинчалик ўспиринлар иштирок этадиган турли танловларда, мусиқий кеча, фестивалларда қатнашганим сари ижод қилгим, томошабинлар олқишига сазовор бўлгим келаверади.

**– Фаолиятингизда нимадан илҳомланасиз?**

– Халқ олқишидан, билдирилган самимий фикр ва дил сўзларидан. Улар менга доим руҳий мадад, куч-қувват, ўзимга бўлган ишонч бағишлайди.

**– Ҳар қандай инсон, қолаверса, санъаткор учун ташқи гўзаллик нечоғлик аҳамиятга эга деб ўйлайсиз?**

– Шахсан мен, инсонларнинг аввало ички дунёси гўзаллигига, маънан етуклигига эътибор бераман. Чунки, ялтироқ нарсаларни ҳаммаси олтин бўлмагани каби, ташқи кўринишни киши ҳақида турли маълумотлар бергани билан, баъзан инсонни чалғитиши, ҳақиқатдан узоқ бўлган тааccуротларни пайдо қилиши мумкин.

Санъаткор ҳақида гап кетганда, ташқи гўзалликнинг ўзига хос аҳамияти борлигини инобатга олган ҳолда, назаримда, у халқ диққат-эътиборига, таҳсинига биринчи навбатда ўз ижоди, санъати билан сазовор бўла олиши керак.

**– Сизнинг тасаввурингиздаги бахтли аёл...**

– Аёл учун оила, фарзанд энг олий, энг юксак бахт деб биламан. Лекин айтишади-ку, санъатни ихтиёр этган аёл ё ўз касбини, ё оиласини танлашига тўғри келади, деб. Лекин мен иккаласини ҳам баробар олиб бораётган санъат аҳли вакилларини биламан. Уларга жуда ҳавас қиламан. Орзуларимдан бири шуки, келажакда ижодий фаолиятимни ва оилавий ҳаётимни биргаликда олиб боришдир.

**«Халқ олқишидан, билдирилган самимий фикр ва дил сўзларидан илҳомланаман»**

**– Оила қурганингиздан сўнг, улардан бирини танлашга вазият тақозо этса-чи?**

– У ҳолда турмуш ўртоғимнинг раъйига қарардим. Чунки оиладан, фарзандлардан кечиб, бахтга эришиб бўлмайди.

**– Айни кунларда суратга олинаётган «Моҳинур» бадиий фильми ҳамда ундаги ролингиз ҳақида гапириб берсангиз.**

– Ушбу киноасар кундалик ҳаётимизда учраб турувчи оилавий қийинчилик ва тушунмовчиликлар, шунингдек, сабр-тоқат, вафо ҳамда меҳр-муҳаббат каби туйғулар ҳақида.

Тўғрисини айтсам, ўйнаётган ролим, фильм сценарийси менга жуда ёқди. Мен фильмдаги ширигим – Улугбек Отажоновнинг турмуш ўртоғи, уй бекаси образини яратяпман. Айтишим мумкинки, шу пайтгача иккита фильмда ўзимни синаб кўрганман. Бироқ, бу – илк бош ролимдир.

Таъкидлашим истардимки, фильм саҳналаридан бирида туғруқхонадан чақалоқ билан чиқиладиган жойи бор. Ўшанда жуда ҳаяжонландим. Ич-ичимни қандайдир ёқимли ҳислар, ўзгача таассуротлар қамраб олди. Худди ўзим она бўлгандек, фарзандли бўлиш бахти насиб этгандек, бахтиёр эдим.

**– Ўз камчиликларингизни биласизми?**

– Кўп хаёл сураман. Билмадим, бу камчиликми ёки... Айтишади-ку, санъаткорлар умуман, ижод аҳли сал дарвешроқ бўлади, деб. Баъзан, инсонлар билан суҳбатлашиб туриб, бошқа нарса ҳақида ўйлашим, хаёлот дунёсида кезиб юришим мумкин.

**– Сизнингча, Ватан ҳимоячиси, умуман эркак киши аввало қандай хислатларга эга бўлиши керак?**

– Биринчи навбатда ғурурли ва ўз ғурурини ҳеч қандай вазиятда ҳам поймол қилдирмайдиган, шунингдек, тўғрисўз ва қатъиятли.

**– Нима деб ўйлайсиз, Ватанга муҳаббат ва ватанпарварлик туйғулари туғма бўладими ёки улар сингдирилиши мумкинми?**

– Бу туйғулар, менимча, туғма бўлади, инсонларда. Масалан, чет элларда бўлганимизда жонажон Ўзбекистонимизни соғинамиз, ўзбек номи билан боғлиқ ҳар қандай нарсадан фахрланамиз, ғурурланамиз. Бу каби ҳолатларга тушишимиз, табиийдир. Чунки, бизларга юртга меҳр туйғуси қон билан кирган.

**– Жонажон Ўзбекистонимиз тараннум этилган қўшиқлар ҳам репертуарингиздан жой олганлигини кўпчилик яхши билади. Шулар орасида «Элим» қўшиғи айниқса машҳур...**

– Бу қўшиқнинг шеъри Бобур Бобомурод қаламига мансуб. Мусиқасини эса ўзим басталаганман. «Элим»нинг халқимизга манзур бўлганидан жуда хурсандман. Чунки, ҳар қандай ижодкор учун ҳам мухлислари, тингловчилари таҳсинидан ортиқроқ қувонч бўлмаса керак.

**– Юрт посбонларига тилакларингиз.**

– Бизнинг, халқнинг бахтига доим соғ-омон бўлишиб, ниманики ният қилишса барчасига эришсин.

Дарвоқе, яқинда «Ўзбекистон – Ватаним маним» республика ёш хонандалар кўрик-танлови мутлоқ ғолиби (2001 й.) «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони (2003 й.) ҳамда «Ниҳол» мукофоти совриндори (2004 й.) яъни, Дилноза Исмияминова ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари даврасида бўлди.

Офицерлар марказий саройида ўтказилган ижодий учрашув давомида хонанда ва унинг продюсери Фурқат Даминов томошабинларни қизиқтирган саволларга жавоб беришиб, Дилнозанинг энг сара ижод намуналари тингланди.

Очиқ ва самимий тарзда ўтган тадбир давомида берилган энг қизиқарли ва антиқа савол эгаларига хонанда дастхати қўйилган махсус совғалар меҳмонлар томонидан тақдим этилди. Учрашув сўнгида эса, Мудофаа вазирлиги Маданий ишлар хизмати – Офицерлар марказий саройи бошлиғи подполковник Баҳодир Тўйчиев меҳмонга миннатдорчилик билдириб, эсдалик совғаларини топширди.

Ўзбек эстрадасида ўз ўрнига эга, миллий санъатимиз довруғини дунёга янада кенг ёйишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Дилноза Исмияминовага ижодий муваффақиятлар тилаган ҳолда ундан илгаригиданда нафис ва бетакрор «дўппилар тикишини» кутиб қоламиз.

**Лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**



Футбол. Ўзбекистон чемпионати. Олий лига

# БАҲСЛАР КЕСКИНЛАШИБ БОРМОҚДА

Дам олиш кунлари республикамизнинг бир қанча шаҳарларида олий лига жамоаларининг 5-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Мутахассислар фикрига кўра, бу йилги чемпионат ўйинлари ҳар қачонгидан ҳам муросасиз баҳсларга бой бўлиши тахмин қилинган, бунга эса совринли ўринлар учун курашувчи жамоалар сони ортиб бораётганлиги сабаб қилиб кўрсатилган эди. Бешинчи тур учрашувлари бу тахминлар тўғри эканлигини исботлаб берди.

Бу турда икки марказий учрашув бўлиб, тақвим тақозоси билан иккала ўйин ҳам меҳмондўст Қашқадарё заминида бўлиб ўтди. Таркиби анча янгиланган, тажрибали ўйинчилар билан мустаҳкамланган, малакали мураббий В.Жалилов қўл остида совринли ўринлардан бирига даъвогарлик қилиши кутилаётган Муборакнинг «Машъал» жамоаси ўз майдонида республикамизнинг сўнгги йиллардаги энг кучли жамоаси бўлмиш Тошкентнинг «Пахтакор» футболчиларини қабул қилди. «Пахтакор»нинг аввалги тўрт турда рақибларини фақат йирик ҳисобда енгиб, уларнинг дарвозасига жаъми 23 та тўп киритгани, «Машъал»нинг эса чемпионатни яхши бошлагани, аммо сўнгги турда Бухорода йирик ҳисобда мағлубиятга учрагани, энди эса мухлислари олдида ўзини оқлаш учун ҳаракат қилиши табиий бўлгани боис, бу учрашув катта қизиқиш билан кутилган эди.

Иккала жамоа ҳам майдонга кучли таркиблари билан чиқишди. Терма жамоа ўйинларида жароҳат олганлиги сабабли олдинги учрашувларда иштирок этолмаган Миржалол Қосимов ҳам айнан шу учрашувда «Машъал» таркибида ўзининг собиқ жамоасига қарши майдонга тушди. Ўйин кутилганидек қизиқарли ўтди. Тажрибали пахтакорчилар учрашув давомида бироз устунликка ҳам эришган бўлсалар-да, бундан бирон-бир фойда чиқара олмадилар. Рақиблари билан деярли тенгма-тенг баҳслаша олган «Машъал» футболчилари ҳам мухлислари кутганидек ўйин кўрсатишга ҳаракат қилишган бўлса-да, улар ҳам тажрибали пахтакорчилар ҳимоясини ёриб ўта олмадилар ва ўйин дуранг натижа билан якунланди – 0:0. Натижада «Пахтакор» футболчилари илк очколарни бой бериб, пешқадамлик шоҳсупасини бўшатиб беришларига тўғри келишини эса турнинг иккинчи марказий учрашуви аниқлаб берди.

Мухлислар ва мутахассислар томонидан катта қизиқиш билан кутилган бу учрашув Қарши шаҳрида бўлиб ўтиб, унда маҳаллий «Насаф» республикамизнинг яна бир кучли жамоаси бўлмиш Фарғонанинг «Нефтчи» футболчиларини қабул қилди. Иккала жамоа ҳам майдонга фақат ғалаба учун тушганлиги учрашувнинг илк дақиқалариданоқ сезилиб турди. Сабаби «Нефтчи» жамоаси бунгача бир учрашувда мағлубиятга учраб, очко йўқотишга улгурган ва яна очко йўқотиш жамоага қимматга тушиши, «Насаф» эса ғалабага эришган тақдирда чемпионатнинг якка пешқадамига айланиши мумкинлигида эди.

Учрашув, кутилганидек, жамоаларнинг кетма-кет ҳужумлари, дарвозалар олдида уюштирилган хавфли вазиятларга бой тарзда кечди. Аммо «уйда девор ҳам ёрдам беради» деганларидек, майдон эгалари бу борада рақибларидан фаолроқ ҳаракат қилишди ва бу якунда ўз натижасини берди. Дуранг билан тугаши кутилаётган 1-бўлимнинг 44-дақиқасида шу куни ажойиб ўйин кўрсатган «Насаф» ўйинчиси Илёс Қурбонов «Нефтчи» ҳимоячиларининг қўпол хатосидан фойдаланиб, учрашувда ҳисобни очишга муваффақ бўлди – 1:0.

Ўйиннинг бундай боришидан қониқмаган фарғоналик футболчилар иккинчи бўлимнинг бошиданоқ кетма-кет ҳужумлар уюштирдилар ва 47-дақиқадаёқ тажрибали ҳимоячи А.Тоиров узоқ масофадан «Насаф» дарвозасига тўп киритди – 1:1. Аммо мухлислар томонидан қизғин олқишлаб турилган «Насаф» футболчилари бунга жавобан яна ҳужумлар уюштирдилар ва охир-оқибат ўз ниятларига эришдилар. 60-дақиқада «Насаф» ҳимоячиси Д.Файзиев «Нефтчи» дарвозасига иккинчи тўпни киритиб, жамоасини олдинга олиб чиқди. Жамоалар ҳарчанд уринишмасин, бу ҳисоб учрашувнинг охиригача сақланиб қолди ва «Насаф» навбатдаги ғалабани қўлга киритиб, 15 очко билан якка пешқадам бўлиб олди.

5-турнинг қолган учрашувлари қуйидаги натижалар билан якунланди: «Навбаҳор» – «Бухоро» – 2:0; «Трактор» – «Тўполанг» – 0:3; «Сўғдиёна» – «Самарқанд» – 1:0; «Қизилқум» – «Металлург» – 2:1; «Шўртан» – «Локомотив» – 0:3.

**М.САЙДИВАЛИЕВ.**

# АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

**ОВЕН**

**Нежелательно обсуждать личную жизнь даже с близкими. Настройтесь на душевное самосовершенствование, не ссорьтесь. Не плывите против течения, разве что для улучшения физической закалки. Будут удачны встречи, обмен информацией. Вам помогут мудрость и уступчивость.**

**ТЕЛЕЦ**

**Постарайтесь предупреждать опасные ситуации и по мере сил не давать волю отрицательным эмоциям. В эти дни возможны активная борьба, агрессия, провокации. Будете радоваться открывающимся перспективам и отрадным событиям. Виртуозно устраните все недоразумения.**

**БЛИЗНЕЦЫ**

**Поступит перспективное деловое предложение, оно откроет новые возможности. Не игнорируйте его. Будьте внимательны, достигните согласия и взаимопонимания. Выполняйте взятые обязательства: избежите недоразумений. Сосредоточенность позволит владеть ситуацией. Не забывайте об отдыхе и развлечениях.**

**РАК**

**Не переживайте, если не успеете что-то завершить в срок. Не начинайте новых дел, лучше объективно оценить текущие. Не ограничивайте свободу близких, проявите уважение. Не пропустите важную информацию. Вспомните о своих друзьях: встреча с ними позволит повеселиться от души и узнать много интересного.**

**ЛЕВ**

**Не пропустите важных событий. Не ленитесь, и не упустите свой шанс. Начальство обратит внимание на вашу незаинтересованность в результате труда. Отнеситесь к себе критически. Сконцентрируйтесь на главных делах. Не отказывайтесь от приглашения на вечеринку к друзьям.**

**ДЕВА**

**Займитесь аутотренингом. Принимайте решения на трезвую голову. Возможны проблемы во взаимоотношениях с коллегами. Посетит неожиданное желание покончить со всеми делами разом. Не начинайте дела в плохом настроении, сперва успокойтесь и развеселитесь.**

**ВЕСЫ**

**Вскроется тайная конкуренция, померитесь силами с оппонентами. Необходимо сосредоточиться перед работой. Выполняйте свои обещания. Деловое партнерство выведет на новый уровень карьеры. Возможны разногласия, но появится возможность уладить их наилучшим образом.**

**СКОРПИОН**

**Неделю посвятите интенсивной работе. Ожидает весь спектр служебного взаимодействия. Время полно значимыми событиями на работе и дома. Дни благоприятны для общения с деловыми партнерами. Будьте осторожны с документацией. Возможны командировки.**

**СТРЕЛЕЦ**

**Обнаружите новые способности. Будьте осторожны, возможны провокации и конфликты. Будьте терпимее и скромнее. Ситуацией будут управлять другие. Отстаивайте свои права. Не обсуждайте дела и проекты с людьми, от которых зависит их воплощение. Конец недели порадует общением с детьми.**

**КОЗЕРОГ**

**Создалась благоприятная ситуация для решения старых проблем и задач. Окажетесь в центре событий, сохраняйте нейтралитет и не принимайте все близко к сердцу. Не перестарайтесь с самоконтролем и пунктуальностью на работе. Будет внезапный приступ оптимизма. Посетят новые интересные идеи.**

**ВОДОЛЕЙ**

**Это – ваше время. Не опускайте рук. Еще не все потеряно. Поймете, что переделали уйму дел и достигли того, о чем и не смели мечтать. Придерживайтесь графика. Можете неожиданно получить некое сокровенное знание.**

**РЫБЫ**

**Рекомендован бег с препятствиями. Усилия окажутся успешными. Выберитесь из болота текущих проблем и займитесь приятными делами. Не суетитесь попусту, не давайте пустых обещаний. Не бросайте начатых дел.**

# СТАРТУЕТ ЧЕМПИОНАТ ПО КОМПЬЮТЕРНЫМ ИГРАМ

В международном бизнес-центре состоялась пресс-конференция, посвященная проведению третьего чемпионата Узбекистана по компьютерным играм – отборочного турнира World Cyber Game / WCG/ 2005 Uzbekistan Preliminary.

Приобщение населения республики к компьютерным технологиям, обеспечение пользователей современными информационными ресурсами – важнейшие задачи, необходимость решения которых отмечена в Указе Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова «О дальнейшем развитии компьютеризации и внедрении информационно-коммуникационных технологий» от 30 мая 2002 года.

Исходя из этого документа, для реализации поставленных в нем задач в мае – июне текущего года в Узбекистане будет проводиться уже третий чемпионат Узбекистана по компьютерным играм. Как и в прошлом году, данный чемпионат будет одновременно являться национальным отборочным на Всемирный чемпионат по компьютерным играм World Cyber Game /WCG/.

Отборочный турнир WCG 2005 Uzbekistan Preliminary будет проводиться в три этапа. Первый этап – региональные отборочные турниры. Второй – финальные игры национального чемпионата и третий – выступление сборной Узбекистана на Всемирном чемпионате – Grand Final WCG 2005.

Региональные отборочные турниры чемпионата будут проводиться в Бухаре, Самарканде, Намангане, Фергане и Ташкенте. В них может принять участие любой гражданин Узбекистана с учетом возрастных ограничений в зависимости от типа игры.

По прогнозам организационного комитета WCG 2005 Uzbekistan Preliminary, куда входят Узбекское агентство связи и информатизации /УзАСИ/, компания Samsung Electronics и журнал infoCOM.UZ, в этом году в отборочных турнирах примут участие не менее 3000 геймеров из всех областей Узбекистана, но только 8 чемпионов Узбекистана поедут в Сингапур для участия в Grand Final WCG 2005.

Синхрон сузиш

# ТАИЛАНДДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида синхрон сузиш бўйича ўтган мамлакат очиқ чемпионатида мезбонлардан ташқари, Ўзбекистон ва Вьетнамдан келган спортчилар ғолиблик учун куч синашди.

12 ёшгача бўлган синхрон сузувчилар баҳсида Алина Пионтковкая мураббийлигида шуғулланаётган Анастасия Здорикова яккалик баҳсларида, Динара Иброҳимова билан эса жуфтлик беллашувларида шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

13-15 ёшли спортчилар баҳсида Элмира Файзуллаеванинг шогирдлари – Фотима ва Зуҳра Уримбоева мусобақанинг кумуш медалини қўлга киритди.

16-18 ёшли сузувчилар ўртасида мажбурий дастур бўйича Наргиза Сиддиқова ва яккалик беллашувларида Надежда Кушвид учинчи ўринни эгаллади.

Чемпионатнинг энг қизғин беллашувлари 18 ёшдан катта спортчилар иштирокида бўлди. Яккалик баҳсларида қатнашган ҳамюртимиз Дарья Можаеванинг чиқиши ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди ва ўзбекистонлик спортчи Таиланд очиқ чемпионатининг олтин медалини қўлга киритди.

Профессионал бокс

# ҚАҲРАМОННИНГ КУЧЛИ ЗАРБАСИ

Ўзбекистонлик профессионал боксчи Қаҳрамон Орзиқулов Москвадаги «Крилья Советов» спорт мажмуида навбатдаги рейтинг жангида беларуслик Марк Метелков билан куч синашди. Ҳамюртимиз саккиз раундга мўлжалланган баҳснинг иккинчи раундида Марк Метелковни техник нокаутга учратди.

Профессионал боксчилик фаолиятини 2001 йилдан бошлаган Қаҳрамон Орзиқулов ўн бир жангдан тўққизтасида ғолиб чиққан. Бир жангда рақибига имкониятни бой берган ва бир маротаба кучлар тенг келган.

# ТРИАТЛОНЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Республика техник ва амалий спорт турлари марказидан хабар қилишларича, Термиз шаҳрида триатлон бўйича мамлакат биринчилиги мусобақаси якунланди.

Тўрт кун давом этган беллашувда қирққа яқин спортчи ўзаро куч синашди. Шахсий биринчиликда ўз йўналиши бўйича Алла Сафонова, Павел Растригин ҳамда Николай Ильин ғолиб чиққан бўлса, ёшлар ўртасида Дмитрий Сальниковнинг қўли баланд келди.

Умумжамоа ҳисобида пойтахтликларга биринчи, майдон эгалари сурхондарёликларга иккинчи ўрин насиб этди. Фарғона вилояти вакиллари учинчи ўринни эгаллади.

**Хабарлар ЎзА материаллари асосида тайёрланди.**

**Вақтинча бош муҳаррир вазифасини бажарувчи подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.**

**Телефонлар:**
Бош муҳаррир ўринбосари – 56 17 98; масъул котиб – 56 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 56 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 56 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 56 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 56 03 48; социология ва реклама бўлими – 56 54 76.

Обуна бўлими – 56 03 46. Навбатчи – 56 09 81.

**Газета жума куни чиқади.**

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

**Буюртма** № 162 Р. **Адади** 19960.

Таҳририят манзили:
700031, Тошкент шаҳри, Д.Қўнаев кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«RASTR» ҚК босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:
Тошкент ш., Юнусобод, Муродов кўчаси, 1-а.